

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„ 12 “ О К Т Я Б Р Ъ 2017 й. г. № 819

Тошкент ш. – г. Ташкент

Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширганлик учун асиллик даражаси тўловини ундириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Призидентининг ПҚ-3199-сонли «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3199-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширганлик учун асиллик даражаси тўловини ундириш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш, таҳлиллар ўтказиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун асиллик даражаси тўлови миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, асиллик даражаси тўловидан келиб тушадиган маблағларнинг эллик фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси ихтиёрига ўтказилади ва улардан Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг моддий-техник базасини мустақамлаш учун мақсадли фойдаланилади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари – Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг бош директори Б.Б.Собиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил «12» октябрдаги
819-сон қарорига
1-илова

**Қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг
асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш билан боғлиқ юридик
аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширганлик учун асиллик
даражаси тўловини ундириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (кейинги ўринларда Асиллик даражасини белгилаш палатаси деб аталади) томонидан қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш (қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни текшириш ва тамғалаш, таҳлиллар ўтказиш ва бошқа хизматларни кўрсатиш) учун асиллик даражаси тўловини тўлаш тартибини белгилайди.

2. Асиллик даражаси тўлови қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилади.

3. Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширганлик учун юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлардан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахслари-резидентлари ва норезидентларидан асиллик даражаси тўлови ундирилади.

Асиллик даражаси тўловини ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг фоизлари камайтирилиш тарафига бутун сон кўринишига келгунга қадар яхлитланган ҳолда сўмга ўгирилади.

4. Асиллик даражаси тўловлари Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари орқали Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

5. Ҳисобот даврида Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ҳисоб рақамига тушган маблағлар уч банк куни давомида қуйидаги тартибда тақсимланиши керак:

50 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади;

50 фоизи - Асиллик даражасини белгилаш палатасининг моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида палата ихтиёрида қолдирилади.

2-боб. Асиллик даражаси тўловини ундириш тартиби

6. Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш ишлари тўрт сутка мобайнида амалга оширилади.

7. Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш билан боғлиқ ишларни тезкор бажарганлик учун асиллик даражаси тўлови қуйидаги нисбатларда кўпаяди:

бир сутка мобайнида - уч баравар;

икки сутка мобайнида - икки баравар;

уч сутка мобайнида - бир ярим баравар.

Асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш учун қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар қатта миқдорда келиб тушган тақдирда, топширувчи билан келишилган ҳолда ушбу бандда кўрсатилгандан бошқа муддат белгиланиши мумкин.

Ушбу бандда белгиланган ишларни бажариш муддатлари дам олиш ва байрам кунларини ўз ичига олмайди.

8. Асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш ишларини бажариш учун номаълум металлдан ясалган буюмларни қабул қилишда асиллик даражаси тўлови ҳар бир буюм учун қуйидаги тартибда ундирилади:

сарик рангли металлдан ясалган бўлса - олтин буюмлар учун белгиланган миқдорда;

оқ рангли металлдан ясалган бўлса - кумуш буюмлар учун белгиланган миқдорда;

кулранг металлдан ясалган бўлса - платина буюмлар учун белгиланган миқдорда.

9. Қимматбаҳо металлларнинг таркибини аниқлаш жараёнида таҳлил учун олинган параллель намуналар тасдиқланган асиллик даражаси тўловига мувофиқ битта таҳлил сифатида инобатга олинади ва тўланади.

10. Асиллик даражасини белгилаш палатаси ходимлари томонидан танлаб олинган материалларнинг назорат намуналарини текширганлик учун тўлов юридик шахслар томонидан шартнома асосида тўланади.

11. Ўлчовлар ўхшашлигига эришиш, турли лабораторияларда (ташқи назорат) бажарилган таҳлиллар натижаларидаги доимий тафовутларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида намуналарнинг кимёвий таҳлиллари натижаларининг аниқлик кўрсаткичларини бошқа ташкилот лабораториясида текшириш бўйича таҳлил ўтказилганлиги учун асиллик даражаси тўловлари тегишли ишлар учун назарда тутилган асиллик даражаси тўловининг икки баравари миқдорида тўланади.

12. Айнан битта намунанинг кимёвий таҳлил натижалари бўйича лабораториялар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида кимёвий таҳлиллар натижаларининг аниқлик кўрсаткичларини мустақил лабораторияда текширишлар (арбитраж назорати) ўтказилганлиги учун асиллик даражаси

тўловлари тегишли ишлар учун назарда тутилган асиллик даражаси тўловининг уч баравари миқдориди тўланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги ва Асиллик даражасини белгилаш палатасининг таркибий тузилмалари учун ўтказиладиган таҳлил ва экспертизалар тўловсиз амалга оширилади.

14. Асиллик даражаси тўловининг тўлиқ ва тўғри ундирилганлиги учун жавобгарлик Асиллик даражасини белгилаш палатасига юкланади.

15. Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан асиллик даражаси тўловини ундиришдан тушадиган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўғри ажратилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан назорат қилинади.

16. Асиллик даражаси тўлови назарда тутилмаган бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар учун тўлов шартнома асосида амалга оширилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Асиллик даражаси тўловини ундириш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширганлик учун асиллик даражаси тўлови МИҚДОРЛАРИ

т/р	Ишларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Асиллик даражаси тўлови миқдори, энг кам иш ҳақиға нисбатан фоизларда
-----	----------------	---------------	---

I. Асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш учун тўлов

1.1.	Ўзбекистон Республикасида юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар (соат корпусларидан ташқари): олтин кумуш платина, палладий	дона дона дона	2,76 0,59 2,67
1.2.	Чет элда ишлаб чиқарилган ва юридик ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар (соат корпусларидан ташқари): олтин кумуш платина, палладий	дона дона дона	6,43 1,83 6,43
1.3.	Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамғаси ва собиқ Иттифоқ рамзи туширилган асиллик даражаси тамға изларини қайта тағалаш учун жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар (соат корпусларидан ташқари): олтин кумуш платина, палладий	дона дона дона	2,94 0,66 2,94
1.4.	Қимматбаҳо металдан ясалган соат корпуслари (шу жумладан ажралмайдиган браслети билан): олтин кумуш платина, палладий	дона дона дона	11,95 2,94 13,60
1.5.	Заргарлик ва бошқа буюмларнинг таркибида элементларнинг* миқдори 5 тадан ошса, асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш нархи икки барабар ошади.		

II. Музейлар томонидан тақдим этиладиган буюмлар таркибидаги қимматбаҳо металлларни аниқлаш учун тўлов

2.1.	Буюмларда 1-5 элемент мавжуд бўлганда: олтин, платина ва палладий	дона	1,32
------	--	------	------

	кумуш	дона	0,33
2.2.	Буюмларнинг асиллик даражасини текшириш нархи буюм таркибида: 6 тадан 15 тагача элемент* бўлганда - 2 баравар; 16 тадан 50 тагача элемент* бўлганда - 3 баравар; 51 тадан 100 тагача элемент* бўлганда - 4 баравар; 100 тадан ортиқ элемент* бўлганда - 5 баравар кўпаяди. *Элемент - заргарлик ва бошқа буюмларнинг таркибий қисми.		

III. Техник экспертизадан ўтказиш учун тўлов

3.1.	Аниқлаш: Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамгалари изларининг ҳақиқийлигини, Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамгаларининг излари қалбакилигини, буюмларда ҳар хил тамға излари мавжудлигини, тамға изларини ўқиб бўлмайдиган ҳолларда буюмларда Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамға излари бўлмаганда	дона	7,88
		дона	2,95
3.2.	Қимматбаҳо металллардан ясалган лаборатория идишлари ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш: олтин, кумуш, платина, палладийни рентген-флуоресцентли спектрометр усули билан намуна тошида текшириш усули билан: олтин кумуш	дона дона дона	18,20 2,76 0,59
3.3.	Қирраланган карат оғирлигидаги олмосларнинг (бриллиантлар) хусусиятларини аниқлаш (номланиши, оғирлиги, қиррасининг шакли, тозалик ва ранг гуруҳи): 0,29 гача 0,30 дан 0,99 гача 1,00 дан 2,99 гача 3,00 дан 5,99 гача 6,00 ва ундан юқори	1 тош учун 1 тош учун 1 тош учун 1 тош учун 1 тош учун	11,51 23,02 57,55 80,57 109,34
3.4.	Қирраланган карат оғирлигидаги зумрад, ёқут, сапфир ва александритларнинг хусусиятларини аниқлаш, (номланиши, оғирлиги, қиррасининг шакли, тозалик ва ранг гуруҳи): 0,24 гача 0,25 дан 0,99 гача 1,00 дан 2,99 гача 3,00 дан 5,99 гача 6,00 ва ундан юқори	1 тош учун 1 тош учун 1 тош учун 1 тош учун 1 тош учун	5,75 17,26 34,53 63,30 86,32
3.5.	Қирраланган тошларнинг номланишини аниқлаш (қимматбаҳо тошлардан ташқари)	ҳар бир ном учун	0,81
3.6.	Қирраланмаган қимматбаҳо ва бошқа тошларнинг номланиши ва оғирлигини аниқлаш	ҳар бир ном учун	3,74

IV. Таҳлил ўтказилганлик учун тўлов

4.1.	Заргарлик, ясама тиш қотишмалари ва бошқа қотишмаларда: купеляция усули билан олтинни аниқлаш (чеки билан) кумушни аниқлаш (титрометриқ усул билан) атом-эмиссия спектрометрида платина, палладийни	1 текширув 1 текширув 1 текширув	58,82 32,99 103,12
------	--	--	--------------------------

аниқлаш		
4.2. Электродитлар, яхоб сув ва эритмаларда (сувоқ олтинда):		
олтинни аниқлаш (сўнгги купеляция усули билан)	1 текширув	58,82
кумушни аниқлаш (титрометриқ усул билан)	1 текширув	32,99
атом-эмиссия спектрометрида платина, палладийни аниқлаш	1 текширув	103,12
4.3. Қопламалар, заргарлик крестлари, шлифлар ва шламларда:		
олтинни аниқлаш (сўнгги купеляция усули билан)	1 текширув	58,82
кумушни аниқлаш (титрометриқ усул билан)	1 текширув	32,99
Ёруғликни сезадиган турли кино-фото-рентген		
4.4. материаллар ва фиксаж эритмаларда:	1 текширув	32,99
кумушни аниқлаш (титрлаш усули билан)		
4.5. Рудалар, жинслар, концентрантларни эритиш усули билан асиллик даражасини текшириш:		
олтин ва кумушнинг асиллик даражасини текшириш	1 текширув	73,80
олтин ва кумушнинг асиллик даражасини кварталлаб текшириш	1 текшириш	88,60
платина гуруҳига кирувчи металларнинг асиллик даражасини жамлаш	1 текширув	57,53
4.6. Атом-эмиссия спектрометрида 1-8 элемент бўйича миқдорий текшириш	1 текширув	103,12
4.7. Намудаги намликни аниқлаш	1 текширув	13,33
4.8. Намуналарда қиздириш пайтидаги йўқотишларни аниқлаш	1 текширув	13,33
4.9. Катализаторларда платинани спектрофотометрик аниқлаш	1 текширув	88,69
Рентген-флуоресцент спектрометрда заргарлик саноати		
4.10 буюмлари, қотишмалари ва парчаларини миқдорий текшириш	1 текширув	18,20
Рентген микроанализаторда бир нуқтада намунанинг		
4.11 (металл, қотишма, буюмнинг) кимёвий таркибини текшириш	1 текширув	84,09
4.12. ICP-масс-спектрометрда намунадаги кимёвий элементлар таркибини миқдорий текшириш	1 текширув	258,80

V. Турли ишларни амалга ошириш

5.1. Пробир реактивларни тайёрлаш:		
кислотали, тузли (олтин учун)	1 миллилитр	0,28
хромпик (кумуш учун)	1 миллилитр	0,28

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил «12» октябрдаги
819-сон қарорига
3-илова

**Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш,
сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомга
киритилаётган ўзгартириш**

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандидаги еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Олиб қўйилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, улардан ясалган буюмлар, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар бўлган материаллар ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан асиллик даражасини текшириш учун ихтисослаштирилган лабораторияларга юборилади. Қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлардаги Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамға изларининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасига (кейинги ўринларда Асиллик даражасини белгилаш палатаси деб аталади) техник экспертизадан ўтказишга юборилади. Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан ўтказилган техник экспертиза учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда асиллик даражаси тўлови ундирилади. Зарур ҳолларда, Асиллик даражасини белгилаш палатаси қимматбаҳо металллардан ясалган тамға босилиши лозим бўлган заргарлик ва бошқа буюмларни Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамғаси билан ўн кун муддатда асиллик даражаси тўлови ундирмасдан тамғалайди».

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил «12» октябрдаги
819-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Асиллик даражаси тўлови ва асиллик даражаси тўловини тўлаш тартиби тўғрисида» 2003 йил 27 майдаги 232-қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 42-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2003 йил 26 декабрдаги 572-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 132-модда) иловадаги 4-банд.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 январдаги 28-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 1-сон, 3-модда) иловадаги 5-банд.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган бойликлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 5 июндаги 156-қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 23-сон, 304-модда) 1-иловадаги 5-банднинг б) кичик банди.